

ШУ КУНЛАРДА

ХДП ХАБАРЛАРИ

«Экосан» экология ва саломатлик халқаро жамғармаси Ангрэн шаҳридаги «Саноатқалинқорозсавдо» ишлаб чиқариш бириктирилган «Экология муаммоларини бартараф этишда бошланғич ташиқлотларнинг роли» мавзусида, илмий-амалий конференция ўтказди. Анжуманда Ангрэн шаҳар ҳокими Илхом Асадов, халқаро «Экосан» жамғармаси раиси Юсуфшох Шодиметов, Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши биринчи котиби Сирожиддин Аъзамов, «Экосан» жамғармаси Ангрэн шаҳар бўлими раҳбари Абдулла Холдовов, «Саноатқалинқорозсавдо» корхонаси бош директори Шавкат Османов сўзга чиқдилар. Йиғилиш сўнггида халқаро «Экосан» жамғармаси томонидан оналар ва болаларга аталган инсонпарварлик ёрлами топширилди.

Ўзбекистон ХДП Чирчиқ шаҳар кенгашининг ташкилий плenumи бўлиб ўтди. Раҳимжон Хусанов, бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан, партия кенгаши саркотиби вазифасидан озод этилди. Дониёр Азизхўжаев Чирчиқ шаҳар партия кенгаши биринчи котиби этиб сайланди. Плenum ишида Чирчиқ шаҳар ҳокими Мирмуҳсин Миразимов, Олий Мажлис депутати Х. Назаров ва ХДП Тошкент вилоят кенгаши биринчи котиби С. Аъзамов иштирок этдилар.

ХДП Зангиота туман кенгаши жамоат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйган. Кенгаш томонидан, «Соғлом авлод йили» муносабати билан, тумандаги мактаблар ва мактабгача тарбия муассасаларида қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Чунончи, республика «Маърифат ва маънавият» кенгаши туман бўлими билан ҳамкорликда, «Ёш томошабинлар театри»нинг «Зумраша» спектакли мактаб ўқувчилари учун намойиш этилди. 2500дан ортиқ болалар театр актёрларининг маҳорати билан танишиш имкониятига эга бўдилар.

ХДП Пастларғом туман кенгаши, «Соғлом авлод учун» жамғармаси туман бўлими ҳамда туман марказий шифохонаси маъмурияти билан ҳамкорликда, «Соғлом авлод давлат дастури — амалда» шиори остида, кўрик-танлов уюштирди. Унда шифохонанинг барча бўлимлари вакиллари иштирок этдилар. Танлов ғолибларига Пастларғом туман партия кенгаши Фахрий ёрликлари ва эсдалик совғалар топширилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

МЕҲРИБОНЛИК УЙИДА БАЙРАМ

Ўзбекистон ХДП Юнусобод туман кенгаши, «Соғлом авлод учун» дастури доирасида, 21-сонли Меҳрибонлик уйида ўтказилган хайрия тадбирининг ташаббускори бўлди.

Болалар учун байрам дастурхони ёзилди: ширинликлар ва сархил мевалар кўзга кўнатилади, уста ошпазлар тайёрлаган палов тортилди. ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгашининг иккинчи котиби В.Медведев, шаҳар табиати муҳофаза қилиш кўмитаси раисининг ўринбосари А.Мустафин, Чилонзор туман прокурори Ш. Ориповлар ўларнинг яхши тилакларини билдирдилар. Чилонзор туман солиқ, инспекцияси соғва қилган ёзув ашёлари ва канцелярия буюмлари болаларга бир олам қувонч бағишлади. Болакайлар ҳузурида «Зарафшон» дастаси ва «Ўзбекрақ» бириктирилган болалар студияси санъаткорлари концерт намойиш этдилар. Даврада мафтункор мусиқа янгради, қувноқ кулгу жарағлади, болаларнинг кўзларида шодлик порлади. Шўх рақслар болаларни беихтиёр даврага даъват этди.

Меҳрибонлик уйи директори А. Демчук байрам ҳомийлари «Кўк-белбоғ» фирмаси вакили Л. Закревскийга, «Узтрансавдотуризм» ҳиссадорлик жамияти раиси З. Толибжоновга самимий миннатдорчилик ихбор этди.

Н. АГАФОНОВА, Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши маслаҳатчиси



КУЗНИНГ КЎЗНИНГГИ КУНИ

Бугун куз кетяпти. Қалбдан бир кўчки қулаяпти. Унинг овози, урилиб кетади туйғуларга. Кетайтган куз йиғлаётган қизни эслатади. Ҳисб-ҳисоб, тўйиб-тўйиб йиғлаётган қиз. Куз эса кўзбўсиқ йиғлайди. Айрилиқ йиғлатар куз ва бу қизни.

Куз осмон. Оёқ остидаги топталган осмон. Биз босиб ўтаемиз осмонимизни. Ерда йиғлаётган яроқлар, қовчираган гуллар, унутилган йўللарга ўшайди. Гуллар ёнган, юрак қонган, кимлардир тонган бу йўللарда. Мухаббатнинг изларига туртиниб кетасан. Кимдир тош ташлаб кетган жойларда қочиласан. Кўзбўсиқдан тутилган булоқлар кўзини кимдир кўйиб кетганини кўрасан. Карвонлар кўнгиригининг саси, сукунат кўйиндан сени эшитилади. Туя чўккан жойларга чўккин келади. Утмишга суяниб, илгари юрасан яна.

Кўзги гуллар, тунги гуллар, барглариңиз аламдан куйган. Дунё сизни ёнғондан суйган. Қувончли, қайғули бу куз. Юракда уйғонади ўтли битта сўз. Куз ўз деган сўзга қоний бўлади. Ўз эса кўзга. Кўз эса сўзга. Демак, кузнинг сўнги кунинда сўз айтмоқда ундайман ўзини.

Осмондан кўзбўсиқ сўраб толди кекса куз. Ўзининг сўнги кунлари учун йиғламоқчийди. Қовоқлари солинган осмон мингта кузди кузатиб қўйган. Ҳатто кўзбўсиқни аяйди у ҳам. Барибир йиғлайди куз. Социлиб кетган дунёси учун. Аслида энг каттиқ йиғи кўзбўсиқ индамай йиғламоқ. Сўз айтмай индамай жим турмоқ. Кузнинг сабоғи бу.

Кузнинг сўнги кунини. Кутилмаган туйғуларни уйғотиб юборди кўнгида.

Фаррух ҲАМРОЕВ

— Мустақиллик даври барча соҳада бўлгани каби соғлиқни сақлаш тизимида ҳам юқсалишлар даври бўлди. Утган йиллар мобайнида бу тармоқ тубдан ислоҳ қилинди. Юқори маънавият тиббий хизмат кўрсатиш тизими таркиб топяпти. Юртимизга жаҳоннинг энг илгор технологиялари кириб келди. Энг муҳими, соҳа ходимлари ва омма ўртасидаги муносабат ўзгарди. Бугун халқимиз шифокорларни халқ саломатлиги йўлида ёниб яшайтган филойилар деб билади.

Мамлакатимизда жадал суръатда кечайтган ислохотлар бу жараёнларнинг ишторокиси сифатида бизнинг жамоамизга ҳам ўзига хос имкониятлар бермоқда. Буни биз эришайтган муваффақиятлар ҳам кўрсатиб турибди. Утган

МИНБАР

ЮРТ УЧУН ЯШАМОҚ — САОДАТ

Мамарўзи МАМАЖОНОВ, Фарғона тумани марказий шифохонаси бош шифокори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати:



давр мобайнида туман марказий шифохонасида замонавий ташхис маркази ташкил қилиниб, 20 миллион сўмлик тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланди. «Соғлом авлод йили» барча соҳа вакиллари қатори соғлиқни сақлаш тизими ходимлари зиммасига ҳам катта масъулия юклади. Хизмат кўрсатишни замонавий андозалар даражасида ташкил этиш талаб этилмоқда. «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш» давлат дастури доирасида туманимизнинг «Ёшларобод» қишлоғида замонавий қишлоқ врачлик

пункти куриб битказилди. Бугунги кунда бу қишлоқ врачлик пункти аҳолига намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, 5 та қишлоқ врачлик пунктлари 50 миллион сўмлик тиббиёт асбоб-ускуналари билан жи-

ҳозланди. Жамоамизда оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини ташкил этиш борасида катта тажриба тўпланган. Бу тажриба ҳукуратимиз соҳа ходимлари олдида қўяётган


вазифани сидқидилдан бажаришга қўл келмоқда. Олий Мажлис депутати сифатидаги фаолиятимда ҳам халқ билан, унинг дарди-уйлари билан ҳамнафас яшашга интилялман. Шу вақтга қадар 490 фуқаронинг ариза ва шикоятлари атрофлича ўрганиб чиқилиб, ижобий ҳал этилди. Туманимиздаги 4 та қишлоқда табиий газ таъминоти яқшиланди. Аҳолига кенг аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатиш мақсадида қатор тадбирларни амалга оширмоқдамиз. Жумладан, кам таъминланган оилаларнинг 30 нафар фарзандларига хатна тўйи ўтказиб берилди. Шунингдек, боқувчисини йўқотган, ногирон фуқаролар ҳам доимий эътиборимизда.

Биз учун нафақат шифокорларнинг касб маҳоратини ошириш, балки уларнинг дунёқарашини кенгайтириш,

юртимизда кечайтган демократик жараёнларнинг туб мақсадини тушунтириб бериш ҳам муҳим. Шу мақсадда қатор республика газети-журналларига обуна бўлганмиз. «Ўзбекистон овози» газетаси ўз саҳифаларидаги дилдил чиқишлари, ўткир публицистик мақолалари билан сезимли нашримизга айланган. Бу йил ҳам биринчилар қаторида «Ўзбекистон овози» газетасига обуна бўлди.

Юртимиз йилдан-йилга чирой очиб бормоқда. Дунё бизни танияпти. Ана шундай Ватанимиз фарзанди эканлигини, унинг эртаси учун озми-кўпми ҳисса қўшаётганини, энг муҳими, ана шу юрта, халққа кераклигини инсонга куч бағишлайди. Янгидан-янги зафарларга чорлайди.

Шухрат ОРИФ ёзиб олди.



Бу йил пойтахт вилоятида 11 минг 500 гектар майдонга шол экилган эди. Шу кунларда шол ирим-ийгани якуловчи босқичга кирди. «Тошкентдонмахсулотлари» ишлаб чиқариш акциядорлик уюшмасининг бош корхонаси эса янги ҳосилдан олинган гуручни истеъмолчиларга жўнатибди. Жорий йилда 26 минг 420 тонна шол ириб олишни режалаштирган корхонада ҳозир иш қизғин.

Мутахасссларнинг фикрича, дон тўқ этилган. Бир килограмм шолдан 55 фоз гуруч, тўққиз-ун фоз оқшққ олиняпти. Мавсум бошидан буён 1 минг 350 тоннадан ортиқ янги ҳосил қайта ишланди, 880 тонна юқори навли гуруч, 85 тонна оқшққ истеъмолчиларга жўнатишга тахт қилиб қўйилди. Улар асосан Тошкент шаҳри ва вилояти аҳолисига етказиб бериллади.

Суратларда: ишчи Аъзам Мадинаров, муҳандис-технолог Гулбаҳор Ражаповалар ўз ишидан мамнун.

Дилшод ЮСУПОВ (ЎЗА) олган суратлар



БУ ШУНДАЙ МУАММОКИ...

УНГА ХАР КУНИ ДУЧ КЕЛАМИЗ

Гап сув ҳақида бормоқда. Қашқадарё вилоят насос станциялари энергетика ва алоқа бошқармасининг маълумотига кўра, бу йил қишлоқ хўжалик экинларига сув берадиган артезиан қулақларни 1000 тага етказиш режаси тузилган. Бу миллиард кубометрдан ортиқ ерости суви фақат экинлар учун олинмади дегани. Тоза ичимлик суви-чи? У асосан Шаҳрисабз, Кутлоб, Яккабоғ туманларида қазилган капта ҳажмли артезиан қулақларидан олинди. Қарши шаҳри, Муборак ва бошқа туманларга узатишмоқда.

Вилоят аҳолисининг бир қисмига Амуларё суви тозаалаб берилмапти. Саноат корхоналарига етказилаётган сувни бошқа манбалардан олиш, қайта тозаалаш масаласи бир неча йилдан буён кун тартибда турибди. Хусусан, Қарши шаҳри остидаги шўрланган сувни тозаалаб, ичимлик учун фойдаланиш ишороти куриш борасида Олмонлаштириш фирмаси билан фикр алмашилганга ҳам бир неча йил бўлди. Негаки, бу муаммони ечмасдан илож йўқ. Мамлакатимизда энг йирик корхона — «Шўртангазким» мажмуша масала амалда ҳал қилинган. Лойиҳа бўйича

кичик сув омбори курилиб, каналдан сув олиб келинади. Ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган ва ичимлик суви кимёвий усулда тозааланмади. Бу, албатта, анча мураккаб жараён. Айни пайтда оқова сувларни тозаалаш иеки куриб ишга туширилди. Йирик ва аҳамиятли тенгиз корхонада суви тозаалаш борасида қўлланаладиган технологиядан бошқа жойларга ҳам фойдаланилса, муаммони ечим борасида дадил қадамлар қўйилади. Бунга эса шубҳа йўқ.

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири



Ваҳшийликни содир этган бу йигит руҳан, жисмонан соғлом. Тергов мобайнида ўтказилган тиббий экспертиза шундай хулосага келди. Қотилликнинг манбаи нима, қотил нима сабабдан 11 яшар мурғак болани ўлдирди?

Қотил қурбони бир шўрпешона отанинг семимли ўғли, эндигина 11 ёшга қадам қўйган гўдак эди.

1999 йил 3 сентябрдан 4 сентябрга ўтар кечаси Гулистон шаҳар прокуратурасига шаҳар ички ишлар бўлимидан Гулистон шаҳар «Паррандачилик» жамоа хўжалигига қарашли маккажўхори майдонидан вояга етмаган Д. Б.нинг жасади топилганлиги ҳақида маълумот тушди. Фожиа юз берган жойга зудлик билан Гулистон шаҳар прокурори Д. Холбоев, прокурор ўринбосари А.Вафоев, прокурор катта ёрдамчиси Б. Бойзаров,

милиция подполковниги К. Сулаймонов ва бошқа тезкор гуруҳ аъзолари етиб боришди. Тажрибали изқуварларнинг изчил ҳаракатлари туфайли жиноят зудлик билан фойс этилди.

Даҳшатлиси шу эдики, қотил Д.ни арзмаган сабаб — ўз полизидан тарвуз бермагани учун ўлдирган. Шу кунни Д.ни уйдагилари тарвуз экилган далага қоровулликка юборишган эди. У кўпинча бўш пайтлари қоровулликда турарди.

«1999 йил 3 сентябрда Ш.Рашидов туманидаги «Паррандачилик» жамоа хўжалигида яшовчи амакимнинг уйига келдим. Кундуз соат 13.30 ларда уйда ҳеч ким йўқ экан. Кейин далага тарвуз егани бордим. Полиз майдони олдидати қайлада менга таниш 11-12 ёшлардаги Д. ўтирган экан. Мен унга ҳеч нарса демасдан полиздан тарвуз олмоқчи бўлдим. Шу пайт у тарвуз олмайсан деб

қайладан менинг олдимга тушиб келди ва менга қарата кесак олди, ҳақоратлади. Мен ҳам кесак олти, уни ҳақоратладим. Кесак унга теккач, у ўтириб олганча йилгай бошладим. Жаҳлим чиқиб, уша ердаги симёғочга боғланган эшагининг арқонини пичоқ билан кесиб, унинг бўйини солдим. Д. қаршилик кўрсатиб, йиғлади. Лекин уни қўйиб юбормасдан

бўдим, Д. нафас ололмасдан ерга йиқилди. Кейин мен уни чангалзорнинг остига қўйдим. Сўнгра тарвуз ейиш учун далага кирдим ва бир дон тарвуз едим, кейинроқ яна биттасини едим. Кейин мурданнинг олдига бориб, бошини танасидан жудо қилдим. (Қотилнинг тереғидаги кўрсатмасидан). Бу ёвуз кўрсатмаларни охиригача келтиришга асаб чи-

дамайди. Қотил ўз ёвузликларини амалга оширигач, кийимларидаги қон доғларини кетказиш учун зовурга тушиб кийимларини ювади. Шунда уни шу қишлоқлик болалар кўриб қолишди. У ҳеч нарса бўлмагандек акасиникига йўл олади.

Бу пайт эса Д.нинг отаси ишдан қайтган ва ички бир ҳалик билан полиздан номинисониз йўқолган мурғак ўғлини гирён излаётган эди. Ота биринчи бор даладан ўғлини тополмагач, яна уйга қайтди, йўлдаги одамлардан суриштиради. Шунда унга полизда И. (қотил)ни қўришганини айтишди. У.нинг акасиникига боради ва И. далада ўғлини ва нега полизга борганини сўрайди. Қотил ўғирликка борганини ва бригадирни кўриб яширинганини айтиди, холос. Отанинг безовта кўнгли яна уни далага бошлади. Қишлоқдошлари билан қидиришиб, яна Д.ни тополмай қайтишди. Учинчи бор соат 23.00 ларга яқин полизни машғалалар

ёрида айланганида эса чайладан 1 метрлар наридаги чавақланган мурдага кўзлари тушди.

Бу унинг фарзанди, жиғарланди эди...

Шу кунни ҳар қанча қидирилмасин бола танасини топиша олинмайди.

Эртасига 4 сентябрь кунни қотил ушланади ва ўз ёвузлигига иқдор бўлади. Далада прокуратура ходимларига бу жиноятни қандай амалга оширгани ҳақида кўрсатма берди.

Жиноят хотима топди, ҳукм ўқиди. Қотил 20 йил мулдатга озодликдан маҳрум этилди. У жазони қаттиқ режимидаги колонияда ўтайдиган бўлди.

Зайнулла БАЙМУХАНОВ, Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси криминалистика бўлими катта прокурори, Абдумалик БОБОЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири



ХАРАКАТДА — БАРАКАТ

ИСЛОХОТ ВА МАСЪУЛИЯТ



Дарҳақиқат шундай. Ҳаракат бор жойда барака ҳам ўзини куттириб қўймайди. Бунга Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисини дон ва ун маҳсулотлари билан таъминлаётган корхоналарда амалга оширилаётган хайрли ишлардан ҳам билса бўлади.

Қорақалпоғистон Республикаси дон маҳсулотлари акциядорлик уюшмаси тарихига 19 та акциядорлик жамияти, 4 та хусусий корхона, 1 та жамоат корхонаси ҳамда бир қанча фирмалар кирди. Уларнинг асосий мақсади аҳолини ун ва ун маҳсулотлари билан таъминлаш.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Орол муаммоси туфайли минтақадаги экологик вазият бузилган шароитда сув танқислигининг юзага келиши оқибатида пахта ҳам, шולי ҳам яхши бўлмади. Лекин, галлакорлар мавжуд қийинчиликларга қарамай, қўзланган режаларни муваффақиятли бажаришга ҳаракат қилишди. Ишлик режалар ортиги билан бажарилиди. Келуси йил ҳосили учун пухта за-

мин яратилган. Галла экилган майдонлар айна пайтда кўзни қувонтирди.

Қайта ишловчилар ҳам эл дастурхонига мўл ва сифатли маҳсулот етказиб беришга интилишаётган. Масалан, шу йилнинг 10 ойида барча кўрсаткичлар бўйича режалар ортиги билан бажарилиди. Улар донни қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш борасида муайян ютуқларга эришилди. 100602 тонна бугдой қайта ишланди. Шундан 80651 тонна ун ишлаб чиқарилди. 34874 тонна шולי қайта ишланди. 22676 тонна гуруч эл дастурхонига етказиб берилди. 36998 тонна аралаш озуқа, 13919 тонна ун, 4476 тонна макарон, 170 тонна қандолат маҳсулотлари тайёрланди.

Шу йилнинг ўзида барча корхоналарда таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Мавжуд дон ресурсларидан унумли фойдаланиш учун замонавий технологик жараёнлар амалга оширилди.

Умуман 9 ойлик якунлар чакки эмас. Шу вақт ичида 10976426 минг сўм даромад олинди. Барча харажатларни чиқариб ташлаганда 182112 минг сўм соф даромад олинди.

Ишлаб чиқаришни бундай юксак даражада ривожлантиришнинг асосий сабаби бу ерда ўз ишнинг мутахассислари бўлиши ажойиб ишчи-хизматчилар, муҳандис ходимларнинг кўпчилигидан, — дейди биз билан суҳбатда уюшма бош муҳандиси Азамат Доспанов. — Улар замонавий технологияни жорий этиш орқали маҳсулот турларини кўпайтирмақдалар. Бунга «Нукус нон» очик турдаги акциядорлик жамияти мисолида ҳам кўриш мумкин. У Нукус шаҳри ва унинг атрофида яшайдиган аҳолини нон маҳсулотлари билан таъминлайди. Маҳсулот сифатидан аҳоли доимо мамнун.

— Биз эл дастурхонига шу йилнинг 9 ойи ичида 8150 тонна нон етказиб бердик, — дейди акциядорлик жамияти раиси Дўстмурод Сейитмуродов. — Бундан 406 миллион сўм даромад олинди. 1432 тонна макарон, 19,9 тонна қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқардик.

Кейинги йилларда корхонада бирон ишчи ўринлари қисқартирилгани йўқ. Айна пайтда бу ерда 425 киши меҳнат қилаётган. Дарвоқе, номинал қиймати 500 сўмлик бўлган акциялар тарқатилган. Одамлар ўтган йил якунлари бўйича мўмайгина дивиденд оlishганди. Бу йил эса даромад янада кўпроқ бўлиши кутулимиз.

Бу ерда эскириб қолган технологик ускуналарни янгилаш бўйича бир мунча иш-

лар амалга оширилган. Бундан ташқари қисқа вақт ичида янги макарон цехи ишга туширилди. «Ўзбеклизинг» компанияси ёрдами билан Италиядаги илгор фирмаларнинг янги технологик линияси 274 минг АҚШ долларига сотиб олинди. Айна пайтда цехда ишлаб чиқарилаётган сифатли маҳсулотдан мижозлар мамнун. Умуман олганда ушбу корхонада 31 турдаги нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётгани бу ерда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга катта эътибор берилаётганидан далолатдир.

Нукус ун заводи акциядорлик жамиятида эса қувончли воқеанинг устидан чиқдик. Омбор ёнига қатор-қатор вагонлар келибди. Ишчи-хиз-



Биз Қорақалпоғистон Республикасидаги энг йирик корхона «Тахиятошдон» акциядорлик жамиятида ҳам бўлдик. Бу ерда олий ва юқори навли унлардан ойна 3500 тонна ишлаб чиқарилар экан.

Айниқса, акциядорлик жамиятида чиқитилган технология йўлга қўйилганлиги бизни қувонтирди. Дон қайта ишланганидан сўнг қолган чиқиндилар аралаш озуқага айлантириллар экан.

Нобудгарчиликка йўл қўйилмапти. Корхонада йил бошланганидан буён 45522 тонна дон қайта ишланиб, эл дастурхонига 35 минг 523 тонна ун етказиб берилди. 26124 тонна аралаш озуқа, 208 тонна нон, 261 тонна макарон, 5 тонна қандолат маҳсулотлари тайёрланди. 2 миллиард 862 миллион 448 минг сўмлик халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқарилди. 216 миллион 387 минг сўм даромад қўрилган. Ишчиларнинг ўртача маоши 11-12 минг сўм.


— Бу йил корхоналаримизнинг ҳеч бири зарар келтирмай ишламоқда, — дейди биз билан суҳбатда Қорақалпоғистон Республикаси дон

маҳсулотлари акциядорлик уюшмасининг раиси Сафарбой Авезматов. — Айна пайтда корхоналаримизга «Удонмаҳсулот» акциядорлик корпорациясининг ёрдами билан 400 вагон бугдой келтирилаётганлиги ҳаммамизни қувонтираётган. Биз эса ана шу хомашени вақтида сифатли қайта ишлаб беришга тайёрмиз. Бунга корхоналаримизнинг қуввати етади. Мақсадимиз сифатли маҳсулотларни янада кўпайтириб, Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисининг эҳтиёжларини тўлиқ қондириш.

Ҳа, ҳаракат қилинган жойда барака бўлади.

■ **Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ, Мирбахтиёр МИРҲАБИБОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбирлари**

Суратларда: Қорақалпоғистон Республикаси дон маҳсулотлари акциядорлик уюшмасига қарашли корхоналардаги иш фаолиятинан айрим лавҳалар.



ВАШИНГТОН АҚШ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШРИФИ

АҚШ Президенти Билл Клинтон 12-14 декабр кунлари Буюк Британия ҳамда Ирландияда бўлади. У ташриф доирасида мазкур мамлакатлар бош вазирлари Тони Блэр ҳамда Берти Ахерн билан учрашиб, Олстер муаммосини ҳал қилиш масаласи бўйича музокаралар ўтказди.

ПРАГА МОЛ ГЎШТИ ТАКИҚЛАНДИ

Чехияда ҳам «мол қутириши» касаллиги тарқалаётгани кузатишмоқда. Ҳозиргача олти киши ушбу хасталик туфайли оламдан ўтди. Мамлакат шифокорлари бу касалликка қарши кенг қўламли тадбирлар ўтказиш лозимлигини, акс ҳолда қурбонлар сони яқин кунларда юзга етиши мумкинлигини таъкидлаётган. Мамлакат ҳукумати эса Франция, Португалия ҳамда Буюк Британиядан мол гўшти импорт қилишни тақиқлаб қўйди.

ТОКИО ҲАМ ИЛЛИК ТАНАФФУСДАН СЎНГ

Япония ҳукумати ўн йиллик танаффусдан сўнг, Ироқда яна ўз элчихонасини очиб қарор қилди. Томонлар келишувига кўра, элчихона ҳозирча норасмий ҳолда фаолият кўрсатади ва унда икки ходим ишлайди. Япониянинг Ироқдаги элчихонаси 1991 йилда Форс кўрфазига уруш бошланган пайти ёпилган эди.

ТЕЛ-АВИВ РЎЗА САБАБ...

Исроил ҳукумати Ҳазо худудининг иқтисодий қамалини юмшатишга қарор қилди. Мамлакат мудофаа вазирлиги ўринбосари Эфраим Снэ бу ҳақда баёнот бериб, эндиликда Исроил назорат бўлинимаси орқали Ҳазо худудига озиқ-овқат, дори-дармон ҳамда тўқимачилик саноати учун хомашэ киритиш мумкинлигини билдириди.

КАБУТАРЛАР—ТИНЧЛИК ЭЛЧИСИ



■ Владимир ПАНОВ олган сурат

Икки ҳафтадан охири, Америкадаги суд ва комиссиялар норозилик хатларини муҳокама қилишмоқда. Президентлик сайловларида ким кимга овоз берганини кўриб чиқишмоқда. Бундан ташқари, америкаликлар мамлакатда қонунга бўйсунмаган фахрли ишчи билан яшамоқдалар. Қонунга бўйсунмайдиганлар эса Америка полицияси томонидан дарров жазоланади. Қонунбузар хатто мактаб ўқувчиси бўлса ҳам жазога мустаҳқикдир.

Масалан, 12 ёшли Анша Хенгелт мактабдаги дарслари тугагач, кундузи соат тўртларда мактаб ёнидаги «Мед» қаҳвахонасига кириб қороз ўрама қовурдоқ сотиб олди. Кейин метро станциясига борди. Бироқ у йўл ҳақи тўланган қорозни қўрсатаётган пайтда фуқаролар кийимиди полициячи унинг ёнига етиб келди ва ҳайрон қолган йўловчиларнинг кўз ўнгига қўзғин қўлларига кишан тақди. Сўнгра одамлар орасида унинг тинтиб чиқди ҳамда полиция участкасига келтирди.

Кизча станцияда қовурдоқ еди-ю, балого қолди. Бундан бир неча ой аввал чикқан янги қонунга биноан, Америка пойтахтининг жамоат транспортда оватқ ейтиш бундай ман этилган. Воқеадан ташвишга тушган қизнинг ота-онаси Вашингтон транспорт полициясининг раҳбари Барри Макдewитта мурожаат қилишганда, у шундай жавоб қайтарди: «Биз бундай ҳаракат учун ҳеч кимни аяб ўтирмақчи эмасмиз».

Кизги шундаки, шу йил бошлангандан буён транспорт полициясига икки юздан зиёд қонунга бўйсунувчи америкаликлардан шикоят тушди. Уларнинг кўплари бошқа жойда оватқлангани имконияти бўлмагани учун метро ва автобусда оватқлангани, ичимлик ичишни ёқтиришар экан. Лекин жаноб Макдewит оддий фуқаролар кийимиди 15 кишилик полициячилар бўлинимасини ташкил этди. Улар ўқув йили бошланганидан буён қоридегидек қонунбузарлик учун 35 кишини ҳибсга олишди. Улар орасида бор-йўри битта катта ёшли одам бор эди. Қолганлари ўқувчилар.

Америка қонунларининг яна бир жиҳати шундаки, ҳибсга олинган болаларнинг ёши катта бўлганда (тўғрироғи, уларнинг ота-оналари) 300 доллар жарима тўлаб, иш жойларидан ана шундай қонунбузарликка йўл қўймайликлар ҳақда оғоҳлантириш олардилар. Аншанин ота-онаси полиция раҳбаридан нега уларнинг кизига кўпчиликнинг кўз ўнгига кишан солишганини сурашганда, Макдewит катъий қилиб: «Болалар ҳам хизмат вазифасини бажараётган полициячининг ўлдириб қўйиши мумкин, шу боис кишан зарар қўймайди», — деди.

Кўриб кетган қизалоқ кейинчалик айтдики, полициячи унинг порт-

фелини ерга қўйдирган. Кейин эса қовурдоқ билан қизикқан. Наркотик модда ёки алкоғолли ичимлик борми, транспортда оватқланган ва ичимлик ичиш мумкин эмаслигини биласани, деб сураган. Қизча эса соддалик қилиб бундай қонундан хабардор эканлигини айтган. Агар у қонундан хабарим йўқ, деганда полициячи уни озаки оғоҳлантирди-ю, бу ҳақда мактабга хабар қиларди, холос.


Энди Анша жазо тариқасида маиший хизматга ёрдам бериш зарур. Бунга Америка пойтахти метрополитени бошқаруви қошидаги махсус комиссия раҳбари қўшилган. Шундан сўнг жамоат транспортда оватқланган ва ичимлик ичишнинг зарари ҳақдаги қатор оғоҳланиш тинглайди. «Кизимга қандай тарбия беришмоқчи бўлгани мени

ҚОВУРДОҚ ЕДИ-Ю, БАЛОГА ҚОЛДИ

ВАСИНГТОНГА БОРИБ ҚОЛГАН ОДАМ ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИГА ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ИЧИМЛИК ОЛИБ КИРИШНИ ХАЁЛИГА КЕЛТИРМАСИН



Хосий манбалар асосида тайёрланди



ПРЕЗИДЕНТ БОШ КОТИБГА ХАТ ЁЗДИ

Югославия Президенти Воислав Коштуница БМТ Бош котиби Кофи Аннанга мурожаат қилиб, Косовода юзга келиши мумкин бўлган қуролли можорони бартараф қилишга ёрдам суради. Косоводаги БМТ миссияси ҳамда халқаро кучлар белгиланган вазифаларни тўлағича бажарган тақдирдагина ўлкада тинчлик ва барқарорлик мустаҳкамлаши мумкин. Бироқ улар ўз бурчинини ҳозирча тўла адо этаётгани йўқ, деди Президент Бош котибга ёзган мактубида.

МУЗОКАРА ЎТКАЗИШМОҚЧИ

Жанубий Корея Президенти Ким Дэ Чжун Корея яримороти тинчлиги ва хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш масаласида яқин кунларда тўрт томонлама музокара ўтказиш ташаббусини илгари сурмақчи. Унда икки Корея, АҚШ ва Хитой вакиллари иштирок этади, деди Президент. Унинг иштироқи, расмий Пекин ва Вашингтон бундай музокарада иштирок этиш истигани билдирган.

БАНГИЛАР КЎПАЙМОҚДА

Қозғоғистонда сўнгги беш йил ичида гиёҳванд модда истеъмол қилувчилар сони уч баробар кўпайди. Мамлакат миллий хавфсизлик қўмитасининг Олмаота вилояти бўйича департаменти директори Роҳат Алиевнинг билдиришича, бу кўрсаткич аёвлар ўртасида беш, болалар ўртасида эса тўққиз баробарга ошган.

СУВ ТОШҚИНИ

Жануби-шарқий Осиё давлатларида юз бераётган тошқинлар ҳозирча икки юзга яқин кишининг ўлимига сабаб бўлди. Шунингдек, ўндан ортик одам бедарак йўқолди.



Голландия манзараси

